Андижон вилояти ҳокимлиги расмий портали

Президентимиз Шавкат Мирзиёев Сирдарё вилоятига ташриф буюрди

Ўзбекистон Р еспубликаси Президенти Шавкат Мирзиёев жойларда ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларнинг бориши, амалга оширилаётган бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари, йирик лойиҳалар билан танишиш, халқ билан мулоқот қилиш мақсадида 17 май куни Сирдарё вилоятига ташриф буюрди.

Сирдарё вилоятининг салоҳияти ва аҳоли турмуш даражасини ошириш бўйича изчил ишлар олиб борилмоқда. Вилоят иқтисодиёти барқарор суръатлар билан ривожланмоқда. 2017 йилнинг биринчи чорагида ялпи ҳудудий маҳсулот ҳажми 5,8 фоиз ўсган. Унинг таркибида саноат, кичик бизнес, хизмат кўрсатиш ва бошқа соҳалар улуши ошган.

□ □□□□□□□ □□ эркин иқтисодий зонасининг Сирдарё филиали, □ □□□□ □□ ишлаб чиқариш бирлашм □□□□□□□□□□□□медтехника□□□□□□□□□□□□□□мега люкс□□□қўшма корхоналари вилоят иқтисодиётида тутмоқда.

Мураккаб иқлим шароитига қарамай, Сирдарё деҳқон ва фермерлари пахта ва ғалладан мўл ҳосил етиштирмоқда. Мева-сабзавот ва полиз маҳсулотларидан қўшимча даромад топмоқда.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев Сирдарёга ташрифи давомида вилоятни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича белгиланган режалар ижроси, шаҳар ва туманларда амалга оширилаётган бунёдкорлик ишларини кўздан кечиради.

манбаа;uza.uz